



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 203 (13.536)

Баҳоси эркин нарҳда

ДЎСТЛИК, АҲИЛ ҚЎШНИЧИЛИК ВА ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифи билан Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев 2017 йил 5-6 октябрь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.

Ташриф доирасидаги асосий тадбирлар 5 октябрь кунини Қўқсарой қароргоҳида бўлиб ўтди.

Расмий қўтиб олиш маросимидан сўнг давлат раҳбарлари аввал тор доирада, кейин кенгайтирилган таркибда музокаралар ўтказди. Мулоқотда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатларимиз ҳамкорлиги 1996 йил 24 декабрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланмоқда.

Кейинги бир йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ривожига янги саҳифа очилди. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 5-6 сентябрдаги Қирғизистон Республикасига давлат ташрифи икки томонлама муносабатларда тарихий воқеа бўлди. Унда савдо-иқтисодий, транспорт, энергетика, маданий соҳаларида ва чегаралар масаласида имзоланган ҳужжатлар ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтарди.

Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоевнинг мамлакатимизга келгани мазкур тарихий ташрифнинг мантаний давомий сифатида баҳоланди.

Ўзбек ва қирғиз халқлари азалдан бир дарёдан сув ичиб, яқин дўст ва қўшни сифатида яшаб келган. Тарихимиз, маданий ва диний қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимиз муштарак.

Икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва саъй-ҳаракатлари натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари янада мустаҳкамланди. Ҳукуматлар ва ҳудудлар даражасида делегациялар ташрифлари амалга оширилмоқда ва бу улкан самаралар бераётир.

Давлатларимиз халқаро доирада бир-бирини қўллаб-қувватламоқда. БМТ, ШХТ, МДХ, Ислон ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича томонларнинг позициялари бир-бирига мос ёки яқиндир.

Мамлакатларимиз бутун минтақада тинчлик ва хавфсизлик мустаҳкамлашидан манфаатдор. Учрашувда халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотикларнинг ноқонуний муомалада бўлиши, трансмиллий уюшган жиноятчилик ҳамда халқаро хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларга қарши курашишдаги ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоевнинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида Тошкентда Ўзбекистон – Қирғизистон ишбилармонлари бизнес-форуми бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН – ҚИРҒИЗИСТОН БИЗНЕС-ФОРУМИ

Унда икки мамлакатнинг савдо, саноат, иқтисодиёт, туризм индустрияси, электр энергияси, қурилиш, машинасозлик, металлургия, автомобилсозлик, электр техникаси, транспорт-логистика, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, тўқимачилик ва енгил саноат каби соҳаларга ихтисослашган вазирлик, компания ва фирмалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги ҳамкорлик турли соҳаларда кенгайиб бормоқда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик доирасида ўзаро манфаатли лойиҳалар ҳаётга изчил жорий этилмоқда. Икки мамлакат Президентларининг олий даражадаги учрашувлари чоғида эришилган келишувлар сиёсий, савдо-иқтисодий ва ҳудудлараро ҳамкорлиқни янада ривожлантириш, транспорт-коммуникация, энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият ва бошқа соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлашда янги даврни бошлаб берди. Чегара постлари очилиб, транспорт алоқалари тикланди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Икромов, Қирғизистон Савдо-саноат палатаси президенти М.Шаршеев ва бошқалар тарихи, дини, тили, маданияти бир икки халқнинг ўзаро яқин қўшничилик алоқалари, савдо-иқтисодий ҳамкорлиги бүгун юқори рўқда давом этаётганини таъкидлади. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги давлат чегарасига оид шартноманинг ратификация қилингани мамлакатларимиз миллий манфаатларида алоҳида ўрин тутиши, келгусидаги истиқболли ҳамкорлик йўлидаги муҳим кадам экани қайд этилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида Ўзбекистон – Қирғизистон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 60 фоиз ўсиб, 170 миллион долларни ташкил этди. Ўзбекистонда Қирғизистон капитални иштирокидаги 54 корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўз навбатида, Қирғизистонда Ўзбекистон ишбилармонлари томонидан барпо этилган 49 корхона иш юритмоқда.

Форумда икки мамлакатнинг 500 дан зиёд давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, фирма, компания ҳамда бизнес доираси вакиллари иштирок этди. Савдо, сармоя, энергетика ва сайёҳлик соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантириш, янги қўша корхоналар ташкил этиш, машинасозлик, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги техникалари иш-

Марказий Осиё сув-энергетика ресурсларидан минтақанинг барча давлатлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, оқилона ва комплекс фойдаланиш бўйича икки томонлама ва минтақавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш муҳимлиги қайд этилди. Томонлар мазкур соҳада ўзаро маълум, узоқ муддатли, барқарор механизмларни ишлаб чиқиш, сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш учун мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказадди.

Музокараларда Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва ҳудудлараро ҳамкорлиқни янада ривожлантириш, транспорт-коммуникация, энергетика, саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, маданият ва бошқа соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия бу борада муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар яқинда Ўшда бўлиб ўтган халқаро кўرғазмада иштирок этди. Қирғизистон Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида “Ўзэкспомарказ”да саноат маҳсулотлари кўрғазмаси ва бизнес-форум ташкил этилди.

Шавкат Мирзиёев ва Алмазбек Атамбоев Ўзбекистон ва Қирғизистон саноат маҳсулотлари кўрғазмаси билан танишди.

Ташриф доирасида ўтказилган бизнес-форумда истиқболли келишувларга эришилди.

Томонлар ўзаро савдонинг барқарор ўсиш суръатини сақлаган ҳолда, яқин йилларда савдо ҳажмини бир неча баробар ошириш, диний номенклатурасини кенгайтиришга келишиб олди. Бунинг учун саноат кооперациясини йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалиги техникалари, автомобиллар, автобуслар, маиший ускуналар, қурилиш материаллари, тўқимачилик маҳсулотлари ва бошқа товарлар ишлаб чиқариш бўйича қўша корхоналар ташкил этиш юзасидан ишлар давом эттирилади. Икки мамлакат ишбилармон доиралари делегацияларининг ўзаро ташрифлари ташкил қилинади, қўша бизнес-форумлар ўтказилади. Икки мамлакат вакилларининг Ўзбекистонда ва Қирғизистонда ўтадиган халқаро кўрғазма ва ярмаркаларда иштирок этишлари қўллаб-қувватланади.

Муҳокамаларда транспорт коммуникациялари соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу икки мамлакатнинг иқтисодий ва транзит имкониятларини ошириши, янги транспорт йўлакларини очиш томонларга бирдек манфаат, қўшимча даромад келтириши таъкидланди. “Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой” темир йўли ва “Андижон

– Ўш – Иркештом – Қошғар” автомобиль йўли қатнови бу борада улкан аҳамият касб этади.

Маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиқни ривожлантириш имкониятлари ҳам кенг. Шу мақсадда таълим, фан ва техника соҳасида ҳамкорлик, таълим ва илмий муассасалар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ривожлантирилмоқда. Бу илмий ва педагогик кадрлар тайёрлаш, тадқиқотчилар, мутахассис ва талабалар алмашинуви, таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш, малака ва илмий даражалар масалалари бўйича ахборот алмашиш учун қулайлик яратди.

Ўзбекистонда ҳам, Қирғизистонда ҳам халқларимизнинг бой тарихий мероси, тили, маданияти, қадриятлари асраб-авайланмоқда. Маданий, ижодий, жамоат ташкилотлари ва уюшмалари ўртасида алоқалар қўллаб-қувватланмоқда. Кейинги вақтларда бўлиб ўтган театр жамоаларининг ижодий сафарлари, адабиёт, санъат ва фан арбоблари ижодига ва фаолиятига бағишланган тадбирлар шундан далолат беради. Шу кунларда Қирғизистонда Ўзбекистон маданияти кунлари зўр муваффақият билан ўтказилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан давлат чегаралари бўйича тарихий келишувларга эришилгани, чегарадош ҳудудлараро борди-келди осонлаштирилгани маданий-гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлади. Бу истиқболда туризм соҳаси ривожини учун ҳам кенг имкониятлар очади.

Ўзбекистонда қирғиз тилида ўқитиладиган, Қирғизистонда дарслар ўзбек тилида ўтиладиган мактаблар фаолият юритмоқда. Ўзбекистон кўмагида Ўш шаҳрида замонавий мактаб бунёд этилмоқда.

Олий даражадаги музокаралар якунида Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Алмазбек Атамбоев Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида стратегик шериклик, дўстлик, аҳил қўшничилик ва ишончли мустаҳкамлаш тўғрисида декларацияни имзоладилар.

Давлат раҳбарлари ҳузурида икки мамлакат ҳудудлари, вазирлик ва идоралари ўртасидаги ҳамкорликка доир 10 дан ортиқ ҳужжат имзоланди. Шунингдек, давлат ташрифининг иккинчи кунини ўзаро манфаатдорлик асосида яна бир қатор ҳужжатлар тайёрланди ва қабул қилинди.

Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоевнинг мамлакатимизга давлат ташрифи ниҳоясига етди. Олий мартабали меҳмонни Ислон Қаримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кузатиб қўйди.

**Анвар САМАДОВ,
Ўза шарҳловчиси**

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ТАКЛИФЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи мазмун-моҳиятини ўрганиш, бу борадаги тарғиботи кучайтириш мақсадида “Тинчлик ва тараққиёт йўлидаги долзарб ташаббусларни қўллаб-қувватлаймиз” мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда таниқли фан ва санъат арбоблари, етакчи театр актёрлари, турли ташкилотлар касаба уюшмалари фаоллари, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Иштирокчилар эътиборига Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқи тақдирини қўйди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Махмадалиев ва бошқалар Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси сессиясидаги нутқи чинаям тарихий воқеа бўлганини қайд этиб, юртдошларимиз бу жараёни юксак фахр-ифтихор туйғуси билан кузатгани, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли халқчил ислохотларга дахлдорлик ҳисси янада ортганини алоҳида таъкидлади.

Давра суҳбатда давлатимиз раҳбарининг БМТнинг юксак минбарида катта шижоат билан билдирган фикр-мулоҳазалари, асримизнинг энг долзарб масалаларини хал эйтиш бўйича илгари сурган тақлиф ва ташаббуслари халқаро миқёсда катта қизиқиш билан қўтиб олингани қайд этилди. Хусусан, нутқда ёшлар масаласи юзасидан билдирилган мулоҳазалар, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ишлаб чиқиш тақлифи халқаро жамоатчилик диққат марказида бўлиб турибди.

Улугбек АСРОПОВ

XXI аср *садоқиси*
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ ва Охангарон туманларида “Оилаларга – маърифат улашиб” шиори остида китоб тарғиботи акцияси ўтказилди. Ҳомий ташкилотлар томонидан Охангарон туманида кам таъминланган оилаларнинг 130 нафар фарзандига ва имконияти чекланган болаларга 600 нусхадан ортиқ китоб тарқатилди. Тадбир доирасида ҳомийлар ташаббуси билан ҳудуддаги Ойбек номидаги кутубхонага 6 миллион сўмлик турли ўқув адабиётлари, бадийи, маърифий китоблар совға қилинди.

● Самарқанд вилояти мусикали драма театрида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамбли ҳамда Россия Федерацияси Марказий Ҳарбий округи ашула ва рақс ансамбли хонандаларининг концерт дастури намойиш этилди.

● Қорақалпоғистон Республикасида Жанубий Кореянинг “Friends” нодавлат ташкилоти томонидан хайрия акцияси ўтказилмоқда. Акция давомиде тажрибали шифокорлар аҳоли, хусусан, болаларни тиббий кўрикдан ўтказмоқда. Акция доирасида Қорақалпоғистондаги тиббиёт муассасаларига замонавий ташхис қўйиш ва эмлаш асбоб-ускуналари тақдим этилди. Таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жанубий Кореянинг “Friends” нодавлат ташкилоти ўртасида тузилган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битимга кўра, 2009 йилдан буён юз-жағ касаллиги бор болалар жарроҳлик йўли билан даволанмоқда.

● Жиззах шаҳрида ўзбек тили ва адабиётини чуқур ўқитишга ихтисослашган Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги мактаб-интернат очилди. Жорий йил 1 октябрдан фаолият бошлаган мактаб-интернатнинг 5, 6, 7, 8-синфларига барча туман ва шаҳарлардан синов асосида 120 нафар истеъдодли ўғил-қиз ўқишга қабул қилинди.

ЖАҲОНДА

● Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида илк учиб юрувчи таксилар тақдироти бўлиб ўтди. Германиянинг “Volocopter” номли дрон ишлаб чиқарувчи корхонасида тайёрланган ўзига хос бундай дрон-таксилар ҳеч қандай ёқилғисиз батарея билан ишлайди. Тепа қисмига 18 та “қанот” ўрнатилган бу таксилар биринчи синовда 200 метргача тепага кўтарилган. Шаҳардаги катта тирбандлик вақтида фойдаланиши қулайлаётган учувчи таксиларни қутиш ва чақириш учун смартфонлардан фойдаланиш мумкин.

● Хитойнинг “Xiaomi” компанияси тиббий жиҳозлар ишлаб чиқарувчи “iNealth” компанияси билан ҳамкорликда масофадан туриб инсон ҳароратини ўлчайдиган “Xiaomi iNealth” деб номланган инфрақизил-термометрни ишлаб чиқарди. Модел сенсор ҳисоблагичлар ёрдамида ишлайди, ўлчашдаги хатолик 0,2 даражадан ошмайди. Инсон тана ҳароратини ўлчаш учун термометрни унинг пешонасига олиб келиш кифоя. Ўлчашлар якунлангандан кейин у тебранувчи сигнал беради. Қурилма уч дона ААА батареякасида ишлайди ва уларнинг қуввати 3 минг ўлчашга етади.

● Nest компанияси янги гаджет – дунёнинг илк аклли эшик кўнгиругини тақдим этди. Бунда гаджет камераси эшик ёнига келган одамни тўлиқ кўра олади. Гаджет автожавоб берувчи мослама билан жиҳозланган бўлиб, кўнгиругини почтачи босганда унга пакетни эшик остида қолдириш тақлиф қилинади. Уйда болалар ухлаб ётган пайтда кўнгиругок босилса, унинг овози чиқмайди, бироқ фойдаланувчи смартфонига бу ҳақда хабар келади.

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ ВОҚЕЛИК

2017 йил 4 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва халқаро меҳнат стандартларига мувофиқ фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга доир чора-тадбирларни кучайтириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Унда қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) ратификация қилинган конвенциялари бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш, ХМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари салоҳиятини мустаҳкамлаш, ушбу соҳада ахборот-тўшунтириш ишлари олиб бориш бўйича қатор тадбирлар назарда тутилган.

Сенаторлар, бир қатор хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муқтор элчилари, халқаро ташкилотлар, тегишли вазирлик ва идоралар масъуллари, нодавлат нотикорат ташкилотлари раҳбарлари, фермерлар, ёшлар, маҳалли ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги сессиясида ушбу мавзу муҳокамалар марказида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Норбоева, Ўзбекистон

Республикаси Бош вазири ўринбосари Н.Отажонов, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси З.Низомжўаев ва бошқалар мамлакатимизда фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу жиҳатлар Конституциямизда, қонун ҳужжатларида ўз аксини топганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилоти билан яқин ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамламоқда. Мазкур ташкилотнинг 14 та конвенцияси, жумладан, болалар меҳнатига ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик тўғрисидаги конвенцияларини ратификация қилган. Ҳозирги вақтда фуқароларнинг меҳнат муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир бир қатор чора-тадбирларни назарда тутувчи 2017-2020 йилларда Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича Мамлакат дастури амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта ус-

тувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга муҳим аҳамият қаратилмоқда.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда болалар ва мажбурий меҳнатга қарши таъсирчан чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бу борада давлат органлари билан бир қаторда фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаол иштирок этаётгани, айниқса, самарали кечмоқда.

Халқаро пресс-клуб сессиясида мажбурий меҳнат ҳавфига йўл қўймасликда қишлоқ ҳўжалиги самарадорлиги ва рентабеллигини ошириш муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди. Бу борада мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, хусусан, пахта ҳосилини машинада териш ҳажминини кўпайтириш, шунингдек, мавсумий қишлоқ ҳўжалиги ишларини ўтказишда бозор механизмларини, инновациялар ва фан ютуқларини, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш долзарб саналади.

Мазкур йўналишда амалий саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган. Жумладан, тежамкор ва замонавий қишлоқ ҳўжалиги техникаларини ўзлаштириш, мавсумий ишга жалб қилишнинг самарали усулларини жорий этиш, ишсизлар бандлигини таъминлашнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш каби чора-тадбирлар янада такомиллаштирилмоқда.

Тадбирда Жаҳон банки мутахассислари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ислохотларни, янги иш ўринлари яратиш каби ташаббусларни қўллаб-қувватлашга ҳамisha тайёр эканини қайд этди. Фермерлар ишчи-ҳодимларни рағбатлантириш, уларга муносиб шaroитлар яратишдан бирдек манфаатдорлигини билдирди. Спикерлар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

(ЎЗА)

ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАР АСОСИДА

Миллий матбуот марказида “Ўзстандарт” агентлиги томонидан “Ўзбекистон Республикаси ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизими ва унинг ривожланиш истиқболлари” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Йиғилишда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ишлар, соҳага жорий этилаётган янгиликлар ҳақида сўз борди.

Республикаимизда айни пайтда ўлчов воситалари, усуллари ва натижаларига метрологик талаблар белгиланган 1760 дан ортиқ халқаро ва 20 дан ортиқ давлат стандартлари амалда қўлланилади.

Маълумки, махсулотнинг сифат назорати ўлчаш ва синаш асосида амалга оширилади. Ўзбекистоннинг Метрик конвенцияга қўшилиши давлатлараро интеграциялашувни таъминлашга, халқаро савдо жараёнларида талаб этиладиган махсулотларни синаш ва ўлчаш натижаларининг халқаро миқёсда тан олинishiга замин яратиб беради.

Бугунги кунда жойларда метрологик хизматнинг ривожланиши ва кенгайishi натижасида вилоятлардан Тошкент шаҳрига олиб келинган ўлчов воситалари сони кескин камайган. Мисол учун Тошкент шаҳрига қўйиш учун олиб келинадиган ўлчов воситалари сони 2012 йилда 216 минг данадан 2016 йилга келиб 61 минг данага қисқарган.

2017 йил мамлакатимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан аҳоли ва ишлаб чиқарувчи ташкилотларга янада қўлайликлар яратиш мақсадида Агентлигининг Тошкент шаҳрида 3 та шоҳобчаси хизмат кўрсатмоқда. Ундан ташқари республикаимизнинг чекка ҳудудларида 33 та метрологик хизматларни кўрсатиш шоҳобчалари барпо этилган бўлиб, бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида 2018-2020 йиллар давомида яна 13 та хизмат кўрсатиш шоҳобчаларини ташкил этиш ҳамда замонавий ўлчов воситалари билан таъминлаш режалаштирилган.

Ш. ЗОКИРОВ



ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ДОИМО ҲИМОЯДА

Тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи, уни ривожлантирувчи асосий куч ҳисобланади. Шунинг учун тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган масалалардан биридир.

Шу сабабли, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши жуда катта янгиликлардан бири бўлди. Бундай дейишга сабаб, тадбиркорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун алоҳида вакиллик институтини ташкил этилиши жаҳонда ягона бўлган янги тизимни яратилишига олиб келди.

Қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил мансабдор шахс бўлиб, у тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини, мазкур ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларга давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан риоя этилишини таъминлайди, деб белгилаб қўйилди. Қонунда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг тадбиркорлик субъектларининг шикоятларини ва бошқа муурожаатларини қўриб чиқиш тартиби белгиланди. Унга кўра тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тадбиркорлик субъектларининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг қарор-

лари, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари устидан берган шикоятларини қўриб чиқади. Лекин, тадбиркорлик субъектлари ўртасида юзага келадиган иқтисодий низоларни, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, оилага, меҳнатга доир ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишга тааллуқли шикоятлар тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг қўриб чиқиш доирасига қирмайди. Шунингдек, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил судларнинг, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг, тергов, суриштирув ва ҳазони ижро этиш органларининг ваколатига киритилган масалаларни қўриб чиқмайди, деб белгиланди.

Шу ўринда айтиш керакки, бугунги кунда мамлакатимизда ёш тадбиркорлар ҳар тарафлама қўллаб-қувватланяпти ҳамда барча давлат органлари ва ташкилотларда ёшлар қаноти ташкил қилинмоқда. Бу эса уларга бўлган эътиборнинг амалий ифодасидир. Шу муносабат билан, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг ёш тадбиркорлар билан ишлаш қанотини ташкил этилса, ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини кафолатларидан бири бўлади. Чунки, энди коллеж, лицейни битирган, хали ҳаётий тажрибга ва тадбиркорлик кўникмасига эга бўлмаган ёш тадбиркорларга алоҳида ёндашуш талаб этилади.

Мирзаахрор ҲАСАНОВ,
Тошкент давлат юридик университетининг талабаси

ни тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан Республикаимиз бўйлаб “Ёшлар туризми” лойиҳаси ташкил этиб келинмоқда.

Мазкур лойиҳа доирасида Хоразмнинг 78 нафар ёшлари пойтахтимизга меҳмонга келишди. Икки кун давомида Хоразм ёшлари шахримизнинг диққатга сазовор жойларини айландилар. Бундай саёҳат уларда ўзгача таассурот уйғотди.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, ички туризмни ривожлантиришда ёшларнинг алоҳида ўрни бўлиш билан бирга бундай саёҳатлар ёшларда миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуларини оширади.

Зарина РУСТАМОВА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Хабар қилинганидек, 2017 йилнинг 6 октябр кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар кўпгина масалаларни кўриб чиқдилар. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Парламент кўйи палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, Қонунчилик палатаси кўмиталарининг мажлисларида вазирликлар ва идоралар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида дастлабки тарзда ҳар томонлама ўрганиб чиқилган эди.

Депутатлар ўз ишларини “Формали кийим-бошларни тасдиқлаш, тайёрлаш ва кийиб юриш механизми тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишдан бошладилар.

Ушбу қонун лойиҳаси формали кийим-бошларни тасдиқлаш, тайёрлаш ва кийиб юриш механизмининг тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги ҳамда “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ҳарбий хизматчилари ва ҳодимларининг тасдиқланган намунадаги ҳарбий, идоравий ва махсус формали кийим-бошининг қонунга ҳилоф равишда кийиб юрганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги модда билан тўлдирилмоқда.

Шундан сўнг депутатлар оилавий ажралишларнинг олдини олишга, шу жумладан, ушбу масала юзасидан маҳаллаларнинг тутган ўрнини кучайтириш орқали олдини олишга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар. Ҳозирги ҳалда фуқаролар йиғинлари ҳузурида яраштириш комиссиялари иш юритаётган бўлиб, улар оилавий муаммоларни тинч йўл билан ҳал этиш, яъни оилавий низо-ларни судга қадар кўриб чиқиш билан шуғулланаётганлиги депутатлар томонидан таъкидланди. Киритилётган янги қоидаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига судлар ва ФХД органлари томонидан уларнинг иш юритувида никоҳдан ажратиш билан боғлиқ ишлар мавжудлиги тўғрисида яраштириш комиссияларини хабардор қилишга доир қоидаларни белгилашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Мазкур чора яраштириш комиссияларига юз бериши мумкин бўлган ажралишлар тўғрисидаги ахборотни олдиндан олиш ва эрхотинларни яраштиришга ҳаракат қилиб кўриш имконини беради.

Сўнгра депутатлар парламент ва депутатлик назорати соҳасидаги жавобгарлиқни кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар. Ушбу ўзгартиш давлат органлари томонидан депутатлик сўровларининг ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқишига хизмат қилади.

Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан 2017 йил 12 июлда депутатлар, сенаторлар ва сиёсий партиялар вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувида ташаббус қилинган эди. 2017 йилда Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан 284 та депутатлик сўрови юборилганлиги қайд этилди. Бироқ, статистика шунини кўрсатадики, 100 та депутатлик сўровига жавоблар муддатлар бузилган ҳолда етиб келган, 24 та сўров бўйича эса умуман жавоблар берилмаган.

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг Жиноий, Фуқаролик кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан кўриб чиқилди.

“Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунда белгилаб қўйилганки, одам савдоси қурбонлари мажбур қилиш ёки таҳдид остида содир этилган қилмишлари учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этилади. Аммо, ушбу нормани амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари амалдаги қонун ҳужжатларида мавжуд эмас. Депутатлар томонидан кўриб чиқилган қонун лойиҳаси ушбу камчиликни бартараф этишга қаратилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Бош прокуратура томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу қонун лойиҳаси, депутатлар таъкидлаганидек, инсон ҳуқуқларининг кафолати ва ҳимоясини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Қизқарли баҳс-мунозара руҳида ўтган мажлис давомида кўриб чиқилиб, биринчи ўқишда қабул қилинган қонун лойиҳалари юзасидан депутатлар бирлашмалари ўз нуктаи назарларини билдирдилар.

Мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

Туризм иқтисодиётининг юқори даромад келтирадиган ва жадал ривожланаётган йирик тармоқларидан.

Жаҳон сайёҳлик саноатида туризмдан тушаётган даромад автомобиль ишлаб чиқариш, нефть ва газ саноатидан кейин учинчи ўринда туради. Юртимиз ҳам халқаро туризмда ўз ўрнини эгаллаш учун, биринчи навбатда ички туризмга алоҳида эътибор қаратиши кераклигини таъкидлаш жоиз.

Туризм индустрияси, хусусан, ички туризм юртимиз иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди ўзига хос туристик жозибага эга. Шу боис туризмни ривожлантириш ҳисобидан минглаб янги

иш ўринлари яратиш мумкин. Айниқса, бу борада ички туризм имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш, ёшлар туризмини оммалаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ёшлар туризмни ривожлантириш, туман ва шаҳарларнинг туристик салоҳияти, жойлардаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни тарғиб қилиш, маданий-тарихий ту-

ризм, экотуризм, экстремал туризм, саргузашт туризм, таълим туризми, спорт туризми каби саёҳат дастурлари яратилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизнинг тарихий жойлари, буюк аждодларимизнинг муқаддас зиёратгоҳларига ёшлар ташрифларини уюштириш ҳамда уларда миллий анъана ва қадриятларга ҳурмат руҳини кучайтириш, туман ва шаҳарларнинг туристик салоҳияти-

ЁШЛАР ВА ТУРИЗМ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Давлат дастурига мувофиқ “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан “Ўқитувчи ўзи фаолият юритаётган таълим муассасаси, болалар ва ўзи ҳақида” мавзусида ижтимоий сўров ўтказилди.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш натижасида фуқароларга сифатли ва беғул таълим бериш – кўп жиҳатдан жамият тараққиёти, келажагини белгиловчи муҳим вазифа эканини кўрсатди. Ўзбекистонда бу соҳага давлат сиёсатининг муҳим ва устувор йўналиши сифатида қаралади. Таълим самарадорлигини таъминлашда педагогнинг касб маҳорати, билими, малака ва кўникмаси муҳим омил саналади.

Сўров натижалари педагоглар умумий ўрта таълимни такомиллаштириш ва ривожлантириш борасида давлат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаётганини кўрсатди. Иштирокчилар ўтказилаётган ислохотларнинг асосий вазифаси – бошланғич таълим сифатини яхшилаш, юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ўқув муассасаларига юқори даражадаги умумий ва касбга оид маданияти, ижодкорлик салоҳиятига эга ижтимоий фаол, ташаббускор, истеъдодли мутахассисларни жалб қилишдан иборат, деб ҳисоблайди.

Тадқиқот натижалари ўқитувчи нафақат ўқувчи, балки бутун жамият, давлат келажагини шакллантиришда муҳим ўрин тутганини кўрсатди. Бу кўп жиҳатдан ўқитувчининг коммуникатив қобилияти, иродаси, таъбир жоиз бўлса, жасоратига боғлиқ. Шу боис, респондентлар ўқитувчилик энг мураккаб, шу билан бирга, жуда қизиқ ва талаб юқори бўлган касблардан бири ҳисобланишини таъкидлади.

Ўқитувчилардан таълим муассасаларидаги ўқувчилар жамоасида, шунингдек, улар машғул олган борадиган синфларда ҳукм сураётган умумий руҳий муҳитни тавсифлаб бериш сўралди. Умуман олганда педагоглар (75,3 фоизи) руҳий муҳитга ижобий баҳо берди.

Сўровда қатнашган ўқитувчиларнинг аксарияти (76,7 фоизи) ҳозирги кунда болаларнинг ахлоқий, ҳуқуқий, зарур ижтимоий ахлоқий-психологик сифатлари, ҳаётий қадриятлари шаклланишида, аввало, оила ҳал қилувчи аҳамият касб этишини таъкидлади. Ҳар бешинчи педагог ёш улғайган сари, айниқса, ўспиринлик ва ўсмирлик ёшида ўқувчилар шахс сифатида шаклланиши, ҳаётий қадриятлари тизимидаги устувор жиҳатлар шаклланишида тенгдошлари, жумла-

ўсмирни “тарбияси оғир” болага айланттириб қўяётган асосий сабаблардан бири.

Сўров ўқитувчиларнинг ўзлари ишлаётган ўқув муассасасида йўлга қўйилган ўқув жараёни самарадорлиги ва сифати ҳақидаги фикрларини ҳам ўрганди. Иштирокчиларнинг аксарияти ўқув жараёни ташкиллаштирилишини ижобий баҳолади.

Ўқитувчилар ўз таълим даргоҳи, синф хонаси, аудитория, спорт зали ва бошқа турли ўқув, байрам, спорт

чилар томонидан таъкидланди.

Иштирокчилар ўқув даргоҳлари кутубхоналарининг аниқ таълим йўналиши бўйича барча зарур китоблар билан тўла таъминлангани хусусида ҳам фикр билдирди. Умуман, респондентларнинг 75 фоизи ўзлари ишлаётган таълим муассасаси кутубхонаси барча талабларга жавоб бериши ва тўла таъминланганини билдирган. Лицей ва коллежларда бу кўрсаткич бироз паст – 69,6 ва 62,2 фоизни ташкил этади. Сўров натижаларига кўра, кўплаб мактаб, лицей ва коллежларда ўқувчиларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун етарли шарт-шароит яратилган: спорт инвентарлари билан жиҳозланган спорт заллари мавжуд.

Болалар ва ўсмирлар соғлигини сақлашнинг асосий шартларидан бири – мунтазам равишда мувофиқлаштирилган сифатли ва тўлақонли овқатланишдир. Шу жиҳатдан ўқув муассасасида болалар сифатли ва иссиқ таом тановул қилиши мумкин бўлган ошхона фаолият юритиши муҳим аҳамият касб этади. Сўров натижаларига кўра, ошхона шаҳар таълим даргоҳларининг аксариятида, қишлоқ таълим даргоҳларининг деярли ярмида фаолият юритади.

Педагоглар таъкидлашича, 11 йиллик таълим тизимига ўтилгани таълим жараёни сифатининг ошишига, ўқувчиларнинг мактабдаги асосий фанлар бўйича тизимли чуқурлаштирилган билим олишига имкон яратади. Респондентларнинг салмоқли қисми 11 йил давомида ўқувчи ўз мактабда кадрдон тенгдош ва ўқитувчилари жамоасида ахлоқан, руҳан ва жисмонан баркамол бўлиб вояга етди, деб ҳисоблайди.

Умуман, ўқитувчилар фикрича, Президентимиз ташаббуси билан ўрта таълимни ислох қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ўз вақтида амалга оширилмоқда. Айни пайтда бу долзарбдир ва ота-оналар, ўқитувчи, жамоатчилик томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда.

“Ижтимоий фикр” маркази маълумотлари асосида ЎЗА муҳбири Аблай КАМОЛОВ тайёрлади

Сўров

ЎҚИТУВЧИ – ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЭНГ МУҲИМ ШАХС

дан, синфдошлар, дўстлар, ўсмирлар гуруҳлари тугган ўрни тобора ортиб боришини қайд этди. Ҳар ўнинчи педагог фикрича, кейинги пайтда мактаб ўқувчилари, хусусан, ўсмирлар ва юқори синф ўқувчиларининг ахлоқига интернет, айниқса, ижтимоий тармоқлар ва интернет-ҳамжамиятлари таъсир кўрсата бошлади.

Иштирокчилар фикрига кўра, боланинг виртуал маконда ота-она томонидан назоратсиз қолдирилиши, ота-она ва педагогларнинг замонавий дунёнинг нисбатан янги маънавий-мафкуравий таҳдидларидан яхши бохабар эмаслиги, педагог билан ҳамфикрлик йўқлиги, ахборот ва билим манбаи сифатида қабул қилувчи ўсмир орасида ишончга асосланган муносабат ўрнатилмагани, истган муаммони муҳокама қилиш мумкин бўлган катта ёшли дўстлар –

ҳамда жамоатчилик тадбирлари ўтказиладиган бино ва майдонларга ҳам баҳо берди. Иштирокчиларнинг ярмидан кўпи (60,7 фоизи) ўзи ишлаётган таълим даргоҳи биносига ижобий баҳо бериб, улар яхши ҳолатда эканини қайд этди. Сўров натижасида мамлакатимиз ўқув даргоҳларининг деярли ярми, аудитория, зал, техник ва санитар объектлар билан бирга, (48,6 фоизи) капитал таъмирдан чиққани аниқланди. Шунингдек, таълим муассасаларининг ярмидан ортиги (53,6 фоизи) ахборот ресурсларини сақлайдиган Ziyonet миллий кутубхона маълумот тизимига улангани ойдинлашди. Ziyonet тизимига уланган таълим даргоҳларининг 61,3 фоизи шаҳардаги ўқув даргоҳлари – мактаблар, лицей ва коллежлар, 46,9 фоизи эса қишлоқ таълим даргоҳларига тегишли экани сўров ўтказув-

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан “Тиббий таълимдаги ислохотлар – мамлакатимиз тиббиёт соҳасининг тараққиёт мезонларидан бири” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Тиббиёт

ТИББИЙ ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОХОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари Б.Юсупалиев ва бошқалар Президентимизнинг тиббий таълимни ислох қилиш ва уни дунё стандартлари даражасига етказиш бўйича берган топшириғи юзасидан олиб борилган ишлар, тизимда қўйилаётган ўзгаришлар ва уларнинг натижалари хусусида фикр-мулоҳаза билдирди.

Анжуманда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва шу йилнинг 5 майдаги “2017-2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги Қарорлари мамлакатимизда тиббиёт ҳодимларини тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳамда ушбу соҳа йўналишида ўзига хос муҳим бурилиш ясагани ҳам таъкидлаб ўтилди.

Олиб борилган таҳлилий ишлар натижасида тиббий таълим муассасаларида бакалаврият босқичининг етти йил давом этиши замон талабларига тўғри келмаслиги ва мазкур таълим учун асосланмаган ҳолда ортиқча маблағларни талаб этаётганини кўрсатди.

Ўқориди қарорга асосан, 2017-2018 ўқув йилларида ўқиш муддати даволаш иши, касб таълими, ҳарбий-тиббий ёш иши, педиатрия йўналишида тўрт йил этиб белгиланди.

Бугунги кунда юртимизда 7 та олий тиббий таълим маскани ва уларнинг ҳудудий филиалларида йилига икки мингдан ортиқ бўлажақ шифокорлар тайёрланмоқда. Аммо жойларга чиқиб иш ҳолатлари ўрганилганда, соғлиқни сақлаш соҳасининг бирламчи тизимида кадрлар таъминотида номутонослик борлиги маълум бўлди.

2017-2018 ўқув йилидан бошлаб тиббиёт кадр-

ларига талаб юқори бўлган ҳудудлар учун биринчи марта давлат гранти асосида бакалаврият йўналишига қабул амалга оширилди.

Тиббиёт ҳодимларини тайёрлаш борасида йилгилан тажрибалар соҳадаги ўқув дастурларини янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Ўқув дарс соатлари таҳлил қилиб ўрганилганда ўн беш фоиздан ортиқ қайтарилиш ҳоллари мавжудлиги аниқланди. Шунингдек, ўқув режа ва дастурларда мутахассисликка оид бўлмаган фанларнинг кўпчилиги ҳам талабаларнинг ортиқча вақтини олаётгани ва ихтисослик бўйича пухта билим олишга сезиларли даражада таъсир қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг қарорлари билан бакалаврият босқичи учун таълимнинг клиникага бўлган ва клиник фанлар блоклари бўйича ўқув соатлари салмоғи оширилиб, олий таълим стандартлари қайта қўриб чиқилмоқда.

Тиббиёт олий даргоҳини тугатган талабанинг дипломига ихтисослик кўрсатилмагани боис ўзига яраша муаммо ва турли салбий ҳолатлар кузатилаётган эди. Эндиликда эса тиббиёт олий муассасасини битирган битирувчиларнинг дипломига ихтисослик қайд этилади.

Жумладан, чет эл тиббий таълим муассасалари ва илмий марказларда малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш борасида дуч келинаётган муаммоларга чек қўйилади.

Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилаётган тиббий таълимни комплекс ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар юқори малакали кадрлар етишмовчилигини бартараф қилишга ва кадрлар салоҳиятини юксалтиришга, давлат бюджетни маблағларининг мақсадли сарфланишига хизмат қилади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ФАРЗАНДЛИК БУРЧИМИЗ

Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали театрида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши ва “Нуроний” жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида “Кексаларни эъзозлаш бизнинг фарзандлик бурчимиздир” мавзусида тадбир ўтказилди.

Унда шаҳримизнинг барча маҳаллаларида истиқомат қилаётган ва юртимиз раванкига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган нуронийлар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари иштирок этди.

— 2017 йилнинг февраль ойида Юртбошимиз томонидан “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан бугунги кунда маҳалла тизимига алоҳида эътибор қаратилиб, маҳалла фуқаролар йиғини раисларига кекса ва фахрийлар йўналиши бўйича ўринбосар лавозими жорий этилди, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари Шоанвар Шомаҳмудов. — Шу ўринда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг “Нуроний” жамғармаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига асосан шаҳримизнинг барча туман ва маҳаллаларида “Кексаларни эъзозлаш бизнинг фарзандлик бурчимиздир” шiori остида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Бу каби тадбирларни ўтказишдан қўлланган асосий мақсад нуронийларнинг оиласида, қолаверса юртимиз раванкига ўз ҳиссаларини қўишларида ижтимоий фаоллигини оширишдир.

— Халқимиз бежизга “Қарияси бор уйнинг — файзи ўзгача” дейишмайди, ахир уларнинг самими дуолари юртимизнинг тинч ва осойишталиги, фарзандларимизнинг барча соҳаларда эришяётган ютуқларининг заминидир, — дейди Чилонзор туманидаги “Бешқўрғон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчиси Шухрат Юсупов. — Истиқлол тўғрисида қаддимиз ҳам, қадримиз ҳам тикланди. Осийишта юртда фаровон ҳаёт кечирмоқдамиз. Айниқса, кексаларга кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиромдан бениҳоя мамнунийимиз. Гўзал юртимизга кўз тегмасин, хонадонлардан файзу барака аримасин. Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган ҳурмат ва эъзоздан кўнгилларимиз нурафшон бўлаётганини алоҳида таъкидламоқчи эдим. Доим сабр-қаноат, шукроналик билан яшаш, ҳалол меҳнат қилишни ёш авлодга ўқитиб келаман. Кексалари эъзозланган юртда яшаётганимдан беҳад хурсандман, шу кунларга етказганига беҳисоб шукрлар қиламан.

Нуроний отахон-онахонларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди. Тадбирда эл севган санъаткорларнинг чиқишлари иштирокчиларга кўтаринки кайфият бахш этди.

Зиёда РАСУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви 2018-2021 йилларга мўлжалланган архив фаолиятини ривожлантириш, ҳодимлар иш самарадорлигини ошириш, архив томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш, фаолиятини пухта ташкил этиш ва олиб боришда тўсиқ бўлаётган тизимли камчиликларни аниқлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат архивига мурожаат қилиши ва уларнинг ижросини сифатли ҳамда белгиланган муддатларда бажариш масалаларини ўз ичига олган Асосий устувор вазифалар юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқишни режалаштирмоқда.

Сизни ҳам ушбу ишларни самарали ташкил этишга қўллаб-қувватлаш. Сиз томонингиздан берилган ҳар қандай тақлиф ва мулоҳазалар архив раҳбарияти ва мутахассислари томонидан бевоқоф бўлиб ўрганиб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архивини ривожлантиришнинг 2018-2021 йилларга мўлжалланган Асосий устувор вазифалар юзасидан чора-тадбирларга киритилишини маълум қиламиз.

Эътиборингиз учун олдиндан раҳмат. Сиз ўз тақлифларингиз билан нафақат мурожаатларингизга ўз вақтида жавоб олиш, балки давлатимиз тарихи ва миллий архив фонди ҳужжатларини кўз қорачиқидек асраш ва келгуси авлодларимизга бекаму кўст етказиш соҳасига жуда катта ҳисса қўшасиз деган умиддамиз!

Юқорида келтирилган йўналишлар бўйича архив жисмоний ва юридик шахслардан қўшимча тақлифларни қўйида келтирилган манзилга юборишларини сўраб қолади.

Бизнинг манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, Нозимахоним кўчаси, 86-уй
Веб-сайт: www.ntmd.uz
Электрон манзил: ntmd@exat.uz
mominov.uz@mail.uz

Янги фильм

ШАРҚДАН ТАРАЛГАН НУР

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли Кино саройида буюк мутафаккир Абу Али Ибн Сино ҳаётига бағишланган “Шарқдан таралган нур” бадий-ҳужжатли фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

“Ўзбекино” миллий агентлиги бош директори Фуркат Зокиров ва бошқалар мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг устувор вазифалари барча соҳалар қаторида ўзбек миллий кинематографияси фаолиятини ҳам такомиллаштириш, соҳа ривожини учун янги имкониятлар яратишни талаб этаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 7 августдаги “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори бу борада амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

“Ўзбекино” миллий агентлиги белгиланган вазифалар ижроси доирасида тарихий, замонавий ва ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги фильмлар яратишни режалаштирган. Унга кўра, Имом Бухорий, Имом Термизий, Бахавуддин Нақшбанд, Бурхониддин Марғиноний, Абу Мўъин Насафий, Амир Темур, Жалолiddин Мангуберди, Алишер Навоий, Мирзо Улугбек, Бобур каби буюк аждодларимиз ҳақида тарихий фильмлар яратилади.

Режиссёр Шўҳрат Маҳмудов томонидан суратга олинган “Шарқдан таралган нур” фильми бу борадаги ilk қадамлардандир. Мазкур кино асари тиббиёт илмининг йирик намоёнчаси Абу Али Ибн Сино ҳаёти ва ижодига бағишланган.

Фильмга қомусий олим сифатида жаҳонга машҳур Ибн Синонинг буюк мутафаккир Абу Райҳон Беруний билан танишуви асос қилиб олинган. Кинолаҳзалар мамлакатимизда, шунингдек, Эрон, Франция ва Россияда тасвирга олинган. Ибн Сино ролини истадодли ёш актёрлар Ҳасан ва Ҳусан Солиҳовлар ижро этган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 3 августда Ўзбекистон иқдоркор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги мазмунли суҳбатда ўзбек кинематографияси олдидан турган асосий вазифаларга ҳам алоҳида тўхталиб, буюк аждодларимиз ҳақида ҳар томонлама етук фильмлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди, — дейди ЎзА муҳбирига фильм режиссёри Ш.Маҳмудов. — Давлатимиз раҳбарининг кино санъати ва тарихий фильмлар яратиш тўғрисидаги фикрлари бизга туртки бўлиб, буюк алломо ҳақида фильм яратишга жазм этдик. Фильмни суратга олиш жараёнида тарихий фактларга, ҳусусан, Ибн Синонинг ўзи ҳақида ёзган, кейинчалик шоғирлари томонидан бойитилган манбаларга асосландик. Фильмнинг ҳар жihatдан пишқ-пукта яратилишида сценарий муаллифи Розика Мерганбоева, постановкачи оператор Ҳамидулла Ҳасанов ва бастакор Дмитрий Янов-Яновский билан ҳамфикрликда ишланди.

Гулноза БОБОВА

Озиқ-овқат маҳсулотларидан заҳарланиш касалликлари ичида жуда оғир кечадиган турларидан бири бу — ботулизмдир. Ботулизм касаллигининг келиб чиқишининг асосий сабабчиси Clostridium Botulinum таёқчаларининг вегетатив шакли ишлаб чиқарадиган оқсилдан иборат нейротоксиндир.

Ботулизм таёқчаси анаэроб — яъни кислотасиз шароитда ўсадиган микроблар оиласига мансубдир. Бу микроблар спора ҳосил қилиш ҳусусиятига эга бўлганлиги учун ташқи муҳит таъсиротларига жуда ҳам чидамли бўлиб, қайнатганда ҳам ўлмайди, +120°C даража ҳароратда 30 дақиқада, спораси 20 фазли формалин зарарсизлантирувчи моддаси таъсирида 24 соатда жонсизланиши мумкин. Бу микроб токсини меъда ва ичак шираси таъсирида ўз кучини йўқотмайди ва у қонга сўрилиб, инсон организмни заҳарлайди. Ботулизм бактерияси ташқи муҳитда қуруқ шароитда, туپроқда узок йилларгача сақланади.

Ботулизм билан хасталанишга одатда ўзида ботулизм бактерияларини, шунингдек, микроб экзотоксинини тутган озиқ-овқатларни яъни, асосан уй шароитида тайёрланган дудланган гўшт, сабзавот ва мева консервларини истеъмол қилиш сабаб бўлади.

Аҳоли ўртасида ботулизм билан хасталаниш асосан ноябрь ойидан бошлаб, май ойларигача давом этади. Охириги йиллар давомида асосан уй шароитида тайёрланган маринадланган бод-

Катрлар

ТОМЧИЛАРДА ҲАЁТНИНГ МАҒЗИ

Дехқон қалби билан ҳис қилсангиз, даладаги ариқлар омир-диёна суя йўллари эмас, она Ернинг катта-кичик қон томирларидир. Улардан суя-қон равон оқа Ернинг тани — уриб турган юраги соғ. Ана бир эгат сувида қалби бораётган ҳас ўпта илашди. Оқимга тўганок, Николларнинг бўзгача лим-лим.

— Ёпйари, — эгат оралаб юрган дехқон дарҳол ҳасни олиб улоқтирди. — Бадбахт шум-ей. Нима қасдинг бор эди николларда?!

Суя яна равон оқа бошлади. дехқон ҳушёр экан: она Ернинг тани соғ, николларнинг ҳам.

Унутманг: даладаги ариқлар она Ернинг қон томирларидир.

ГУЛЛАРИМ

Гулларнинг бозори чакқон. Кимлар табарруқ отаси ёки онажонини. Кимдир биринчи муаллимасини туғилган кунини

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор туфайли спорт билан мунтазам шуғулланаётган ўғил-қизлар сафи кенгайиб, спорт инвентарларига талаб ошмоқда. Бунини пойтахтимиздаги спорт товарлари билан савдо қилувчи дўконларнинг гавжумлигидан ҳам билса бўлади.

Маҳаллийлаштириш дастури — амалда

ЮКСАК ЭЪТИБОР САМАРАЛАРИ

Чилонзор туманидаги “Спорт буюмлари” хусусий дўконида кирдик. Дўкондаги турли хил бежирим спорт анжомлари, тренажёрлар ҳар қандай кишининг эътиборини жалб этиб, ҳавас уйғотади. Дўконга кирган ота билан ўғил — ўн олти ёшлардаги бола диққатимизни тортди.

— Теннисчиларнинг ракеткаси, кийими ва тўпи керак эди, — деди ота сотувчига.

Сотувчи ёш спортчиға лойиқ спорт буюмларини олиб берди. Боланинг кўзлари қувнаб кетди.

— Менга ёқди, обертасизми, дадажон? — деди ўғил. Маҳсулотнинг сифати ва нархи отага ҳам маъқул келди.

— Илгари харидорлар сўраган маҳсулотларнинг ҳаммасини ҳам топиб беролмасдик, бугун эса спорт инвентарларининг деярли барчаси дўконимизда мавжуд, — дейди ЎзА муҳбирига дўкон директори ўринбосари Жамолiddин Акбаров. — Бокс қоплари, кўпоқлар, кураш, дзюдо, тазк-вондо, каратэ формалари, кураш тўшамалари, татами, теннис столи, теннис ракетка ва тўплари, гимнастика ҳалқаси, болалар учун чинкиш нарвонлари ва бошқа барча спорт анжомлари бор. Эътиборлиси, ушбу маҳсулотларнинг аксарияти мамлакатимизда ишлаб чиқарилган.

Маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш самарасида бола-



лар спортини иншоотларини жиҳозлашда ишлатиладиган 100 дан ортиқ турдаги спорт ускуна ва анжомларини мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан куриб, фойдаланишга топширилаётган кўплаб болалар спортини объектлари Тошкент шаҳридаги “Asia Sport-S” фирмаси, Самарқанддаги “Стеклопластик”, Намангандаги “Машжим” масъулияти чекланган жамиятлари, Андижондаги “Ўз-Тонг-Хонг Ко” ва Хоразмдаги “Хоразм спорт импекс трейд” қўшма корхоналари ва бошқа қатор компанияларда ишлаб чиқарилган спорт жиҳозлари билан таъминланмоқда.

Ушбу соҳага ихтисослашган тадбиркорлик субъектларининг кўллаб-қувватланаётгани, уларга кенг имтиёз ва қулайликлар яратилаётгани бунда муҳим омил бўлаётир. Пойтахтимиздаги “Asia Sport-S” фирмаси ана шундай корхоналардан бири. Корхона 2006 йилдан бери Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўтган давр мобайнида бу ерда 40 турдаги спорт инвентарларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Маҳаллий хомашёдан фойдаланган ҳолда спорт гимнастикаси, бадий гимнастика, бокс, баскетбол, волейбол,

гандбол, стол тенниси жиҳозлари, спорт ўриндиқлари, қатор спорт турлари учун мўлжалланган тўшамалар ишлаб чиқарилаётган.

Бу ерда тайёрланган спорт жиҳозларига талаб юқори. Корхонада эликдан ортиқ мутахассис меҳнат қилмоқда.

— Ўғлим Олимжон теннис билан шуғулланади, — дейди пойтахтлик Хожиақбар Набиев. — Бугун унга теннисчиларнинг кийими, ракеткаси ва тўпини олиб бердим. Болаларни спортга жалб этишда спорт инвентари муҳим аҳамият касб этади. Спорт анжоми аввало сифати ва бола учун хавфсиз бўлиши лозим. Юртимизда тайёрланаётган спорт товарларининг мана шу талабларга жавоб бераётгани қувонарлиқдир.

Бугунги ёшларга ҳавас қилса арзийди. Юртимизнинг энг олис қишлоқларида ҳам замон талаблари асосида барпо этилган ва жиҳозланган спорт иншоотлари кўзни қувонтиради. Уларда болалар ўзлари севган спорт тури билан мунтазам шуғулланиши учун барча шарт-шароит, жумладан, спорт жиҳозлари муҳайё этилган. Бу мамлакатимизда ёш авлодни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, аҳолининг фаровон турмуш тарзини, муносиб ҳаёт кеңиришини таъминлашга қаратилаётган улкан эътибор самарасидир.

Жавохир ТОШХҲАЕВ

серва маҳсулотларини харид қилманг.

Озиқ-овқат дўконидан гўшт, балик, кўзиқорин ва сабзавот-мева консерва маҳсулотларини ҳамда дудланган гўшт ва балик маҳсулотларини харид қилишдан олдин, ушбу маҳсулотларни гигиеник ҳамда мувофиқлик сертификатлари борлиги тўғрисидаги маълумотга эга бўлишни.

Дўконлардан консерва маҳсулотларини харид қилишдан олдин, уларнинг сақлаш муддатлари ўтиб кетмаганлигига, идишларининг бутунлигига, қопқоқларининг шишмаганлигига эътибор беринг. Сақлаш муддати ўтган, қопқоғи шишган (бомбаж), деформацияланган ҳамда гигиеник ва мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган консерва маҳсулотларини асло харид қилманг.

Ушбу тавсияларга амал қилмасдан, ботулизм хасталигига чалинган беморда касаллиқнинг аломатлари намоён бўла бошлаши билан уни зудлик билан энг яқин тиббий маъсасасга элтишни унутманг.

Ўз вақтида кўрсатилган малакали тиббий ёрдамгина беморнинг тез кунда соғайиб кетишига имкон яратди.

Ўзингиз ва яқинларингизнинг саломатликлари ўз қўлингизда эканлигини унутманг.

Маҳмуд ШОДИЕВ,
Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази овқатланиш гигиенаси бўлимининг санитария врачи, олий тоифали врач

насида шалдираб оқаётган ариқ сувида қўлоблаб ўрни учирай десам, пақир йўқ. Майсалардан ярим қучоқ олиб, сувга бўқтирдим, сўнг силкитиб, ёмғирдек сепдим қуяётган бағрига.

— Сенларни-ми, шовшмай турларинг... Қўлоқларингни чузиб, қўймасам-ми!

Майсани сувга такрор бўқтириб, жийданинг бағрига қўяман. Болалар бу ҳолни ўйинга ўйиб, қийқиришади. Новдаларни от қилиб чопишади. Гудакликда кимхоб, атлас кўрпачаларга ўралиб, она сутига тўйинган болалар юрагимда нелар кечаётганини сезишади дейсиз-ми...

Отам урушда. Урушнинг қора қўланкаси қишлоғимизга ҳам соя ташлаган. Онам қора терга тушиб, кетмон чопида далада. Мен жийда соясидаги бешиқда гоҳ ўхлаб, гоҳ чўчиб йнглаб холдан тояман. Онам кетмонини ташлаб, кўкрак тутуди менга. Емишлари ёвгон ош, атала. Нон эса ўлчовди. Емон кўнларда жийданинг жонимизга малҳам бўлганини онам раҳматли кейин айтиб берганлар. Жийдага маънос термуламан: “Нахотки, қариганимда бағрим қабоб бўлса, йўқ, хали кўп яшашинг керак”. Унинг яқкам-дуккам ёш новдаларидан кесиб ариқ бўйларига эқдим.

Эртаси тонгда ариққа суви қўлайтириб, николларим ёнига бордим. Кеча илиниб турган қари жийда белидан узилибди. Аммо у мендан мамнун эди. Мен эса...

Ғани АБДУЛЛАЕВ

Пайшанба — профилактика кун

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК УЧУН БАРЧА МАСЪУЛ

Ҳар ҳафтанинг пайшанба кунини ўтказилаётган профилактика тадбирлари жойларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ижобий самаралар бермоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони жойларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, унинг ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техник асосларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида ўтказилган профилактика тадбирлари доирасида худудда содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар, уларни келтириб чиқарувчи омилларни ўрганиш ва олдини олиш бўйича корхона-ташкilot, маҳалла ва таълим муассасаларида учрашувлар ташкил этилиб, содир этилган жиноятлар муҳокама қилинмоқда.

Тумандаги Янги Қамолон маҳалласи идорасидаги профилактика тадбирида икки жиноят муҳокамаси бўлиб ўтди.

Туман ички ишлар бошқармаси ходимларининг маълум қилишича, Бешёғоч мавзесида яшовчи Рустам Эсонов жорий йил 17 сентябрь кунини “Спарк” русумли автомашинасида йўл транспорти ҳодисасига учраган. Р.Эсонов ҳодисадан сўнг сўроқ қилинганда, унинг ҳушёр эмаслиги маълум бўлган. Воқеа сабабларини ўрганиш мақсадида унинг машинаси ҳолилар гувоҳлигида текшириб қўрилганда, ҳайдовчи ўриндиғи остида ўткир хидли 1,54 грамм тақиқланган ғиёҳдан моддаси мавжудлиги аниқланган.

Хумдонсой кўчасида истикомат қилувчи Сардор Бахтиёров “Global Study Consulting” масъулияти чекланган жамиятининг фаолиятини йўлга қўйган. Аммо у орттиратган даромадига қаноат қилмай фирибгарлик йўлига ўтган. Ўзи раҳбарлик қилаётган ўқув марказида тахсил олаётган Сарвар Йўлдошевни алдаб, чет элда ишга жойлаштириб қўйишни ваъда қилган ва бунинг учун ундан фирибгарлик йўли билан 900 АҚШ доллари олган. Пуллари эса ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Мазкур ҳролатлар юзасидан Шайхонтоҳур тумани ИИБ ҳузуридаги тергов бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Содир этилган жиноятлар профилактика тадбирига ййиқилган маҳалла фаоллари, худуд аҳолиси ва туман ички ишлар бошқармаси ходимлари билан биргаликда таҳлил этилди. Бу каби жиноятларнинг олдини олиш, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш ҳар бир фуқаронинг муҳим вазифаси экани таъкидланди.

Даврон СУННАТОВ,
ЎзА муҳбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Yusufjon Mobile Trade” МҲҶ (ИНН 304328932) устав фондининг 689,740,000 сўмдан 6,500,000 сўмга қисқартирилганлигини маълум қилади. Эътирозлар эълон чоп қилинган кундан бошлаб 1 ой давомида қуйдаги телефон рақами орқали қабул қилинади: 99897 420-44-04.

“TOP SPECIAL TRANS” хусусий корхонаси “TOP SPECIAL TRANS” масъулияти чекланган жамияти бўлиб ўзгараётганлигини маълум қиламиз. (ИНН 303286909).

“TOP SPECIAL TRANS” ХКга нисбатан даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қуйдаги телефон рақами орқали қабул қилинади: (97) 700-01-05.

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

— 25-27 даража илқ бўлади.
Узидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 10 октябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратмади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент Оқшом

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Буюртма F- 1035

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. Факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4638 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Топириш вақти: 13.00

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта булимлариға ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 17.15

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ